

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2025-YIL, OKTABR,
№ 21 (555)

BUKHORO YOSHILARI

ОНА ТИЛИМ

Отам ҳам, онам ҳам ўзбек эдилар,
Аммо, гўдакликда мен қуш эдим-ов.
Чугур-чугур қилдим, “чумчуқ” дедилар,
Кейин гўлдирадим, – дедилар “соқов”.

Сен эса абадий голиб жангчидай
Сездирмай забт этдинг руҳим, кўнглимни.
Алланинг бетимсол дард-оҳангидай
Кўйга ошно этдинг охир тилимни.

Мен қуйлай бошладим булбул тилида,
Табиийки, яна “Бу – қуш!” дедилар.
Ўзбекчанинг булбул тил эканлигин,
Бечора гофиллар билмас эдилар.

Қуйлайвердим тинмай она тилимда,
Кимлардир хўрсиниб, кўзин ёшлади.
Қушмас, инсонлигим англаб етдию,
Булбул ҳам ўзбекча қуйлай бошлади.

Ўғилларим, қизим – барчаси ўзбек,
Ўзбек тугилгандир набираларим.
Ёқимли сўз борми, ўзбекча сўздек,
Ўзбекча уйғонар хотираларим.

Она тилим, мақтай олмасам – кечир,
Сен ўзинг руҳимнинг қуёши, ойи.
Ахир, мени юз бор дуо қилгандир,
Тушларимга кириб, ҳазрат Навоий.

Тилим, абадийсан, мен ҳам ўлмайман,
Тилнинг ривож йўли – миллат йўлидир.
Ҳатто, қаргадан ҳам хафа бўлмайман:
Қагиллаш – қарганинг она тилидир.

Абдунаби Ҳамро



“КИТОБ КАРВОНИ”

АДАБИЙ-МАЪРИФИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Абу Али ибн Сино номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида адабиётшунос олим, шоир ва ёзувчи Шодмон Сулаймоннинг 50 ёшлиги муносабати билан “Китоб карвони” номли адабий-маърифий анжуман ташкил этилди.



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

Тадбирда вилоятнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари, адабиётшунослар, талабалар, китобхонлар ҳамда маънавият фидойилари иштирок этди. Анжуманда Шодмон Сулаймоннинг адабий фаолияти, илмий-ижодий мероси, замонавий ўзбек адабиётига қўшган ҳиссаси юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, унинг шеърлари ва асарларидан парчалар ўқилди.


ҚИЗЛАР МИНБАРИ: ЯНГИ КООРДИНАТОРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

“Қизлар овози” клуби учун Бухоро вилояти координаторлари сайлови бўлиб ўтди.

Абу Али ибн Сино номидаги Тиббиёт институтида ўтказилган “Қизлар овози” клуби вилоят координаторлари сайлови том маънода жамиятимиздаги ижтимоий фаол қизлар учун минбар вазифасини ўтади.

30 нафарга яқин фаол қизларнинг турли соҳаларга оид ижтимоий лойиҳалар тақдироти уларнинг жамиятдаги сиёсий вазиятдан хабардорлик даражасини баҳолаш имконини берди.

Сайлов якунига кўра, бир овоздан “Вихоро yoshlari” газетаси муҳбири, БухДУ битирувчиси Дилнавоз Тўхтаева “Қизлар овози” клубининг вилоят бош координатори этиб сайланди. Бухоролик яна 5 нафар қизлар эса қолган йўналишларда координаторлик қиладиган бўлишди. Нодирабегим Носирова “Таълим” йўналиши координатори, Райхон Пўлатова “IT ва медиа” йўналиши координатори, Гуласал Музаффарова



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

“Бандлик ва тадбиркорлик” йўналиши координатори, Азиза Ҳамидова “Спорт ва саломатлик” йўналиши координатори этиб сайланишди.

Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси жамоаси янги сайланган координаторларнинг келгуси фаолиятларида муваффақият тилайди.

Бухоро университети ғалаба майдонида

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ИККИ КАРРА ҒОЛИБИ

Яқинда Бухорода Марказий Осиё волейбол ассоциацияси (CAVA) шафелигида ва Ўзбекистон волейбол федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган талабалар ўртасидаги Марказий Осиё чемпионати якунланди.

“Универсал” спорт мажмуаси залида ташкил этилган нуфузли мусобақада мамлакатимиз ва Марказий Осиёнинг энг кучли 16 жамоаси ғолиблик учун беллашди. Якуний натижаларга кўра, қизлар ўртасидаги ҳал қилувчи баҳсда Бухоро давлат университети жамоаси Туркменистон терма жамоаси устидан иродали ғалабага эришиб, чемпионга айланди. Учинчи ўринни эса Урганч давлат университети жамоаси эгаллади.

Йигитлар ўртасидаги беллашувларда ҳам Бухоро давлат университети

вакиллари ўз устунлигини яна бир бор исботлаб, биринчи ўринни қўлга киритишди. Ушбу ютуқ Бухоро волейбол мактабининг халқаро миқёсдаги нуфузини янада мустаҳкамлади. Туркменистон жамоаси иккинчи, Қашқадарё вилоятининг Халқаро инновацион университети жамоаси эса учинчи ўринни банд этди.

Тақдирлаш маросимида ғолибларга эсдалик совғалари, диплом ва кубок топширилди.



“ЛИДЕРЛИК САРИ” – ЁШЛАРНИ ИЛҲОМЛАНТИРУВЧИ ОНЛАЙН МАЙДОН

“Атиги, 6 ой ичида саҳифа 50 мингдан ортиқ обуначига эга бўлиб, 3 миллиондан зиёд кўришларни қайд этди...”


СОҒИНЧ ОРТИДАГИ ҲАЁТ

“Юртга қайтай, деса пули йўқ, қолай, деса онасининг аҳволи оғир...”

“ЎЗБЕКЧАСИ ЙЎҚМИ?”

21 ОКТАБРЬ - БАЙРАМ ЭМАС,
ЖАВОБГАРЛИК КУНИ ҲАМДИР!

“Негаки, баъзида расмийларга мурожаат қилганда, “рус тилида айтинг”, деган жавобга дуч келамиз...”



ЁШЛАР УЧУН ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

“Эртанги кунимиз, дунёнинг тақдири ва фаровонлиги ўсиб келаётган ёш авлод қўлида. Ёшларимизнинг қалби ва онгига тинчлик, гуманизм ва дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби олийжаноб ғояларни сингдириш долзарб вазифамиздир” Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясида сўзлаган нутқи биз ёшлар учун фахр, улкан масъулиятдир. Бу фикрлар ёшлар тақдирини, дунё тинчлиги ва тараққиётини ишониб топширилган авлод сифатидаги юксак ишончни ифода этади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Жаҳон ёшларининг Тинчлик сари ҳаракати” ташаббуси бутун дунё ёшлари учун тинчлик, дўстлик ва бирдамлик ғояларини мустаҳкамловчи муҳим платформа бўлиб хизмат қилади.

Ушбу платформа орқали ўз билимимиз, салоҳиятимиз ва меҳнатимиз билан мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишимиз зарурлигини чуқур англаймиз. Мен – шахсан, ёшлар орасида фаолият олиб борар эканман, бу ишонч ва эътибор ҳар куни амалда намоен бўлаётганини ҳис қиламан.


Етакчи сифатида ўз маҳалламда 14 нафар ёшни “Ёшлар дафтари”га киритиб, уларнинг бандлигини таъминлаш, ўқиш ва касб-хунар ўрганишига қўмаклашдим. Шунингдек, “Super Star” лойиҳаси доирасида инглиз тили сертификатини олдим, “Зукко китобхон” танловида ҳамда “Бошқарма бошлиғи кубоги” спорт мусобақасида 1-ўринни эгалладим.

“Қизлар академияси” иловасида “Болалар психологияси” курсини якунлаб, ўз билимимни янада оширдим.

“Атом одатлар” китобини ўқиб, тест синовларида фаол қатнашганим учун 1 миллион сўмлик пул мукофоти билан тақдирланганимни янги босқичдаги масъулият сифатида қабул қиламан.

Президентимизнинг халқаро минбарларда ёшлар номидан айтган фикрларини эшитиб, мен жудаям ғурурландим. Бу фақатгина баёнот эмас балки, ҳар бир ўзбек ёшига билдирилган ишонч, эътибор ва қаҳриқдир. Биз ёшлар, бу ишончни оқлаш учун янада билимли, ташаббускор, фидойи ва ватансевар бўлишимиз шарт. Чунки бутун Ўзбекистон келажаги, тинчлиги ва тараққиёти бизнинг қўлимизда.

Маржона Раҳимова,
Бухоро шаҳар “Дилқушо”
маҳалласи ёшлар етакчиси.



ДЕТЕКТИВ АДАБИЁТ КРИМИНАЛИСТИКА ВА ЖИНОЯТ ПСИХОЛОГИЯСИГА ИЛҲОМ МАНБАИ

Детектив жанр бадий адабиётнинг оммабоп йўналишларидан бири ҳамда криминалистика ва жиноят психологияси учун муҳим аҳамиятга эга. У “илмий-адабий лаборатория” сифатида намоен бўлди. Ундаги сюжетлар жиноят тергови, суриштирув мантиғи ва далилларга асосланган таҳлил усуллари орқали ҳуқуқ-тартибот соҳасига амалий йўналишда хизмат қилади.

Классик детектив асарлардаги Шерлок Холмс, Эркюль Пуаро ва Август Дюпен каби қаҳрамонлар қўллаган дедукция, мантикий таҳлил ва суриштирув методлари ҳозирги криминалистикада кенг фойдаланилади. Бундай асарларда дактилоскопия, баллистика, трасология, хатшунослик, суд лингвистикаси каби соҳаларга оид билимлар бадий тарзда акс этган бўлиб, бу элементлар кейинчалик амалий суд-тергов жараёнининг ажралмас қисмига айланди.

Детектив асарлар, нафақат мутахассислар учун балки, кенг жамоатчилик учун ҳам маънавий ва ахлоқий тарбиявий аҳамиятга эга. Улар жиноятчи психологиясини чуқур ифодалаб, жиноят сабаблари, уни яшириш ва чалғитиш усуллари ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Шу билан бирга, бу асарлар ҳуқуқшунос талабалар ва терговчилар учун таҳлилий фикрлашни ривожлантирувчи ўқув-услубий восита сифатида хизмат қилади.

Детектив адабиёт, нафақат, эстетик қимматга эга бадий жанр, балки, криминалистика ва жиноий психология соҳаларига амалий ҳисса қўшувчи муҳим адабий манба саналади.

Фируз Солиев,
Ўзбекистон Республикаси
Қуроли Кучлари “Тинчлик йўлида
ҳамкорлик” маркази кафедра
бошлиғи, подполковник.



ЖУРНАЛИСТ ҒОЛИБ БЎЛДИ

“Экологик коррупция”
мавзусидаги танлов
ғолиби аниқланди

“Эколог” жамоат бирлашмаси томонидан ўтказилган “Экологик коррупция ҳолатларини ОАВда ёритиш” мавзусидаги танлов якунига етди. Ушбу танловнинг “ОАВда ёритилган материаллар” номинацияси бўйича “Миллий” телеканал журналисти Муҳиба Алаева ғолиб, деб топилди. Унга эсдалик совғалар ҳамда ғолиблик дипломи тантанали равишда топширилди.

Мазкур танлов экологик мавзуларни кенг жамоатчиликка етказиш, шунингдек, коррупцияга қарши курашда журналистларнинг фаол иштирокини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Муҳиба Алаеванинг кейинги ишларига омад ва зафарлар тилаб қоламиз.



ЛЮБОВЬ К ПРОФЕССИИ – ПУТЬ К УСПЕХУ



В современном образовании задача преподавателя заключается не только в передаче знаний, но и в том, чтобы вдохновлять своим личным примером. Магистрант Бухарского государственного педагогического института и преподаватель русского языка Феруза Рахматова — одна из таких активных представителей сферы образования.

Феруза Рахматова активно занимается научно-педагогической деятельностью. Трудолюбие, любовь к профессии и стремление к постоянному самосовершенствованию приносят ей значительные успехи и заслуженное признание. В своей педагогической практике она достигла целого ряда достижений. Победительница конкурсов “Гордость моей Родины”, “Женщина года” и “Молодой исследователь”. На сегодняшний день её научные статьи опубликованы во многих международных журналах и сборниках конференций. Она разработала электронные учебные материалы по своей специальности. Также успешно участвовала в конкурсах и научных мероприятиях различного уровня, добиваясь высоких результатов.

— В настоящее время я продолжаю свои научные исследования в рамках магистерской диссертации. Моя главная цель внести весомый вклад в развитие системы образования, раскрыть творческий потенциал учащихся и пробудить у них любовь к науке, — говорит сама Феруза Рахматова.



BUXORO
YOSHLARI

2025 йил окtabр, № 21

3

Бугун янгиланаётган Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотлар замирида, аввало, халқ фаровонлиги масаласи ётади. Кун сайин ўзгариб бораётган, қалқиб турган дунёда халқнинг бутунлигини, яқдиллигини таъминлашда, қатор омиллар сафида тил софлиги ҳам ётади. Чунки тил муайян миллатнинг бошини бириктирадиган энг қудратли воситадир.

МИЛЛАТ БУТУНЛИГИНИНГ БИРЛАМЧИ ШАРТИ

Бой, нафосатли, минг алвон товланувчи, гўзал тилимиз бор. Шунингдек, юртимизда хорижий тилларни ўрганиш учун ҳам янги давр бошланган. Ёшлар бу орқали дунёга чиқадилар. Бу жараён ўз қадрдон тилимизга зиён етказмайдиган тарзда амалга оширилса, нур устига нур бўлади.

Бироқ, кўча-кўйда одамларнинг бир-бирига муомаласи ва пешлавҳаларни кузатсангиз, таъбингиз бироз хира тортади. Тилнинг зиёнига ишлаётган энг қудратли восита эса, шубҳасиз, ижтимоий тармоқлардир. Интернетда имло хатоларига тўла, пала-партиш ва мантиқсиз матнларни кўрган, ўқиган ёшлар билиб-билмай, уларга тақлид қила бошлайдилар ва натижада ўзлари истамаган ҳолда она тилимизга зиён етказадилар.

Ҳазрат Навоий “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз”, деб бекорга қуйинмаган. Ҳар биримиз Навоийдан қолган гўзал ва бетимсол тилни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш учун саъй-ҳаракатдан тўхтамаслигимиз керак! Ахир, тил инсоннинг ўзлигини, қиёфасини белгилаб берувчи восита, миллат бутунлигини таъминлайдиган бирламчи шарт.

Аммо, бунга кўпинча амал қилмай, тилимизни ғарблаштириб, ғариблашиб бораётган ёшларни кўриб, кўнгилларимиз ўқсийди. Бир пайтлар тилимизга кириб қолган русча сўзлар ёнига энди инглиз тилидаги иборалар ҳам қўшилиб бораётганлигини ҳис этиб, она тилимиз келажагидан хавфсирай бошлайман...

Мухтасар фикр шуки, тилимиз – энг катта бойлигимиз. Уни



мукаммал ҳолда сақласак, миллатимиз равнақини таъминлашга ҳам ҳисса қўшган бўламиз.

Дилобар Жўраева,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Олот туман бўлини маси бош мутахассиси,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Ҳар йили 21 октябрда мамлакатимизда Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун кенг нишонланади. Бу сана тил тарихида ва миллий давлатчилигимиз ривожига муҳим босқич ҳисобланади.

МИЛЛИЙ ИФТИХОРИМИЗ, ДАВЛАТИМИЗ РАМЗИ

Ўзбек тилининг шаклланиши ва ривожланиши ўзбек халқи тарихий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбек халқи қадимда туркий ва эроний тилли этносларнинг уйғунлашуви натижасида вужудга келган. Шунинг учун ҳам ўзбек тили турли шева ва лаҳжаларга бой бўлиб, унинг илдизлари нечоғлик чуқур эканлигини кўрсатади.

Маълумки, ўзбек тилининг тарихий ривожига Қадимги туркий тил (V–XI асрлар), Қадимги ўзбек тили (XI–XIX асрлар) ҳамда Замонавий ўзбек тили (XX аср – ҳозирги давр) — давр босқичларида намоён бўлади. Ушбу даврда ўзбек тили тўлиқ шаклланган адабий тилга айланган. Унинг асосини Фарғона шеваси ташкил этди. Мустақилликдан сўнг эса тил янада ривожланди, адабий меъёрлар

такомиллашди ва миллий бирлик рамзига айланди.

1989 йил 21 октябрда қабул қилинган “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун ўзбек халқи учун тарихий воқеа бўлди. У ўзбек тилининг давлат бошқаруви, таълим, фан ва маданият соҳаларида эркин фойдаланилишига ҳуқуқий асос яратди.

Ўзбек тили — миллатнинг руҳи, тарихи, истиқлол рамзи. Уни асраш, ривожлантириш ва келажақ авлодга соф ҳолда етказиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Чунки тил — шунчаки мулоқот воситаси эмас, балки, миллат тафаккури ва юраги ифодасидир.

Шоҳиста НИЁЗОВА,
Республика “Маънавият ва маърифат” маркази Бухоро вилояти бўлими раҳбари в.в.б.

“ЛИДЕРЛИК САРИ” — ЁШЛАРНИ ИЛҲОМЛАНТИРУВЧИ ОНЛАЙН МАЙДОН

Ғиждувон тумани, Гулистон маҳалласининг ёшлар етакчиси Юсуфжон Асатов ташаббуси билан Инстаграмда “Лидерлик сари” номли саҳифа яратилди.

Мақсад — ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятини ошириш ва тадбиркорликка қизиқтириш.

Атиги 6 ой ичида саҳифа 50 мингдан ортиқ обуначига эга бўлиб, 3 миллиондан зиёд кўришларни қайд этди. Каналда турли соҳаларда муваффақият қозонган тадбиркорлар билан суҳбатлар эълон қилиниб, уларнинг тажрибалари ёшларга илҳом манбаи бўлмоқда.

Қисқа ва мазмунли видеолар орқали ёшлар кичик бизнесга қадам қўймоқда, стартаплар яратиш ва хунармандчилик билан шуғуллана бошламоқда. Айримлар эса ўз маблаглари асосида фойдали

лойиҳаларни амалга оширишга киришган.

— “Лидерлик сари” ёшларнинг вақтини самарали ташкил этиш, билим ва ғоя олиш имкониятини яратишни мақсад қилади, — дейди Юсуфжон Асатов.

Бу лойиҳа ёшлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро тажриба алмашувини ривожлантирмоқда. “Лидерлик сари” саҳифаси ёшларни ижтимоий фаолликка ундаётган, замонавий билим ва тадбиркорлик руҳида тарбиялаётган илғор онлайн майдонга айланмоқда.

СОҒИНЧ ОРТИДАГИ ҲАЁТ

Қишлоқ кўчасида чанг-тўзон кўтарилиб, қуёш уфққа оғар чоғда кимнингдир онаси дарвоза олдида дуога қўл очиб турибди. Унинг эса кўлидаги телефони “жим”. Аммо, юраги жим эмас. У ҳар сонияда “Қўнғироқ қилса эди...”, деб туради. Кўзларида интизорлик, чехрасида ўша таниш соғинч. У узоқларда, бегона юртда, тирикчилик учун иш излаб кетган ўғлини кутади.

“Онажон, мен яхшиман”, — дейди у, ниҳоят, телефонда лекин, бу “яхшиман” сўзининг ортида чарчоқ, кўз ёшлари, ёлғизлик ва ҳасрат яширилганини ким билсин?

Ўша “яхшиман” сўзининг ҳар бир товушида юракдан ўтган минглаб оғриқлар яширин. Нима қилсин, у онасига қайналганини, чарчаганини айтолмаса. Ҳар йили минглаб йигит-қизлар орзу ва умид билан хорижга кетади. Кимдир оиласини боқиш учун, кимдир фарзандига қийим, дори, ўқиш пули топиш учун. Кимдир эса тўй қилиш учун.

Бошқа юрт, бошқа тил, бошқа юзлар, бегона қонунлар. Ҳар куни сахарда ишга чиқиш, совуқ нонушта, қоронғу уй - булар ўз ватанида юрганларга кўринмайди. Улар кўргани фақатгина, мўмай юборилаётган пул, холос.

Бир қўшнимиз бор эди. У чет элга ишлаш учун чипта пулини ҳам қарзга олиб кетганди. Кўп ўтмасдан, онасининг бетоблиги сабабли келиши кераклиги ҳақидаги хабар



уни қийнади. Юртга қайтай, деса пули йўқ, қолай, деса онасининг аҳволи оғир. Эртаю кеч дам олмасдан



ишлашга уринаётган қўшнимизнинг онаси орадан икки ой ўтар-ўтмас оламдан ўтди. Ўғли келолмади. Ҳеч кўз олдидан кетмайди уларнинг “Онажон, сизни охирги марта

бағримга босолмадим...”, дея кўксини уриб йиғлагани. Энг оғриқли манзара ота-онанинг сўнгги нафасига етиб бора олмаган фарзанддир. Мусофирликни ҳавас қилиб, уларнинг минг азобда ишлаётган пулини оддий меҳнатга йўйиб кетаётганларнинг қисматида оғир синовлар кўп...

Мусофирда юрганларнинг уйда қувонч, тўй, бахт, байрам... Аслида, уларнинг ўзи шулар учун кетганди-ку, тўғрими?..

Муҳожирлик - бу фақат меҳнат эмас, бу синов. Бу сабр, бу чидам, бу кўз ёш. У юракдаги соғинчни ютиб, юзида табассум билан яшаш, дегани. Уларнинг ҳар бир томчи тери ортида бир онанинг дуоси, бир болакайнинг орзуси, бир оила ороми яширинган.

Шундай инсонлар туфайли минглаб болалар мактабга боради, минглаб оналар рўзгорини юритади, минглаб орзулар рўёбга чиқади. Аммо, ўзлари соғинч ортидаги азобда яшайди...

ДилНАВОЗ



2025-yil, oktabr, № 19-20

“ЎЗБЕКЧАСИ ЙЎҚМИ?”

21 ОКТЯБРЬ - БАЙРАМ ЭМАС, ЖАВОБГАРЛИК КУНИ ҲАМДИР!

21 октябрь - “Ўзбекистон Республикасида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун” яқинлашгани сари телефонимизда табрик хабарлари “ёғилади”, маърузалар ўқилади, байраму тадбирлар ташкил қилинади. Тил қонунларда яшаётган бўлса-да, унинг амалда ишлатилиши ҳар бир инсон, ҳар бир ташкилот, ҳар бир ижодкорнинг виждонига боғлиқ ҳолат.

Ҳақиқатан ҳам бу кун байрам қилишга муносиб аммо, биз тилни муносиб қадрлап-мизми? Негаки, баъзида расмийларга мурожаат қилганда, “рус тилида айтиш”, деган жавобга дуч келамиз. Демак, давлат тилини ҳимоялашда масъулиятни ошириш керак. Бунга бир эмас, бир нечта сабаб бор. Кўчалардаги ёзувларнинг ўзи бунни бизга айтиб турибди. “Beauty salon”, “Kids club”, “Best market” ... пештоқлардаги тадбиркорлик ша-хобчалари номини ўзбек тилида ёзилмаслиги, менинг назаримда, айнан шуни ёзаётганлар-нинг давлат тилида етарлича лугат бойлиги йўқлигидан. Буларнинг муқобил ўзбекчаси топилмайдими? Бор, албатта!

Хорижий тилларни ўрганмаслик тараф-дори эмасман, лекин, “Ўзини ҳурмат қилган, бошқаларни ҳам ҳурмат қилади”, деганлари-



журналларда айнан ҳар бир сўз соф ўзбек тилида ёзилади. Шу жумладан, китоблар ҳам тил мутахассислари томонидан “чиғириқ”дан ўтказилади. Айнан шуларни диққат билан ўқиш ва кузатиш нутқда ҳам, сўзлашувда ҳам



дек тил билишда, аввало, ўз миллати тилини билиш муҳим. Бир қарашда, кичик муаммодек туюлса-да, бу каби ҳолатлар аллақачон тилнинг бузилишига олиб келган. Афсуски, фақатгина ёшлар эмас, катталар сўзлашувда ҳам куза-тиляпти. Замонавий сўзлашувда “короче”, “ок, бро”, “норм” кабиларни унутиш эмас, ўрнида, яъни фақат шу тилда гапирганда қўллаш тилга ҳурматни билдиради. Бунинг учун сўзлашувда таъқиқ эмас, тушуниш муҳим.

Мамлакатимизда инглиз, турк, корейс ва хитой тилларини ўрганиш оммалашаётган бир пайтда ўзбек тилининг юрагидagi “виж-дон”, “ор-номус”, “садоқат” сингари сўзлар доимий ёдда туриши лозим. Чунки буларнинг унут бўлиши ўз тилимизни асрашда хавф туғдирапти.

Тилнинг қадрини оширишда ижодкор ва журналистлар меҳнати, сайё-ҳаракатла-ри асосий ўринда. Уларни тилнинг сўнгги қалқони, дейиш мумкин. Чунки ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалар, газета ва

тил бойлигини орттиради. Хатосиз ёзишни шакллантиради.

Ўзбек сўзларини ўрнини “жаргон”лар эгал-ланаётганига яна бир сабаб болалар инглизча мультфильм кўраётгани, корейсча кўшиқлар-ни тинглаб, ўша сўзларни ёдлаб улгайяпти. Бунда ота-оналарнинг “кейинчалик мактабда ўзбекчасини ўрганар”, деган қараш аслида энг катта кечикиш. Чунки ўз тилини билиш дарсда унга меҳри бўлганда эсда қолади. Она тилида суҳбатлашмай улғайган авлод, миллат-нинг руҳини ҳис эта олмайди.

Шу боис, 21 октябрь байрам эмас, жавоб-гарлик куни ҳамдир. Зеро, ўз тилимиз биздан уни мадҳ этишни эмас, амалда асрашни кутади.

Келинг, ўзбек тили кўчалардаги ёзувда, идораларда ишласин, болалар тилида янг-расин, мақола ва қарорларда ҳурмат топсин. Тилни авайлаш йўлида бугундан сергак бўлайлик!

ЗулфиЗАР



БУХОРО
YOSHLARI

“ҒАРБЛАШИБ”, ҒАРИБЛАШИБ БОРАЁТГАН ЎЗБЕК ТИЛИ

Бугун тилимизнинг аҳволига назар ташласак, сўзсиз бир гапни тан олишга мажбур бўламиз: ўзбек тили сўнгги йилларда кескин ўзгаришларга дуч келмоқда. Бу ўзгаришлар тараққиётнинг натижасими ёки миллий онгимиздаги бўшлиқнинг оқибатими? Қайси томонга қарамайлик, кўплаб мисоллар шуни кўрсатмоқдаки, ўзбек тили тобора ўз шаклидан, ўз услубидан, ўз табиийлик ва миллий руҳидан узоқлашиб бормоқда. Қисқаси, тил “ғарблашиб”, шу билан бирга, “ғариблашиб” борапти.

Тараққиёт ниқобидаги ғарбона таъсир

Халқаро муносабатлар, технология ва ахборот оқимининг кенгайиши, шубҳасиз, инсон ҳаётига катта қулайликлар олиб кирди. Бу жараёндан тил ҳам четда қолмади. Афсуски, бунда фақат фойдали жиҳатлар эмас балки, оғриқли таъсирлар ҳам мавжуд. Бугун ижтимоий тармоқларда, телевизорда, ҳатто, таълим муассасаларида ҳам ўзбек тилидаги нутқ ғарб тиллари, хусусан, инглиз ва рус тили сўзлари билан “аралаш” ҳолатда бўлмоқда.

Масалан, “Ҳояси нормально, лекин, тарғиботи эмас”;

“Жон, мен сени love”;

“Короче, ишлар битди, эртага эрталаб қабулимга келинг, good...”

Бу ифода ва мисоллар ҳазил бўлиб туюлиши мумкин лекин, бу — жамиятдаги ҳақиқий тил картинасидир. На нафосат бор, на мантиқий ифода. На ўзбекча, на инглизча. Бу “тили ҳам тушунарсиз, маъноси ҳам йўқ” бир ҳолатдир.

Пешлавҳа ва реклама — тилга қарши кураш майдони

Қўлга телефон олиб кўчага чиқинг ёки бирор савдо марказига кириш — кўзин-гизга бирорта тўлиқ ўзбек тилидаги ёзув илинадими? “Coffee to Go”, “Kids zone”, “Fresh market”, “Beauty Room”, “Sale”, “Best price”, “Fast food” ва яна шунга ўхшаш юзлаб мисоллар. Ахир, бу ер Америка эмас, Россия ҳам эмас. Бу — Ўзбекистон. Нега биз ўз юрти-мизда ўз тилимиздан ҳаё қиялпмиз?

Бундай ёзувлар фақат тилни эмас, балки миллатнинг ўзига бўлган ҳурматини ҳам йўққа чиқармоқда. Ҳатто, болалар ҳам

аввал “мактаб”ни эмас, “school”ни тани-моқда, “китоб” ўрнига “book”, деб айтишни “замонавийлик”, деб ҳисобламоқда. Бу, нафақат, тил муаммоси балки, миллий ўзлик инқирозидир.

Таълим ва оммавий ахборот воситалари — масъулми ё бефарқ?

Таълим муассасаларидаги муаллимлар, ОАВдаги журналистлар ва блогерлар тил маданияти учун ўрнатқ бўлиши керак. Аммо, айрим ҳолларда, айнан, шу соҳа вакиллари ўзлари тилга хиёнат қилаётганини англамай-ди. Теледастурлардаги булганган нутқ, им-лога зид ёзувлар, тил қоидаларини назар-пи-санд қилмаган контентлар авлод онгига ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти.

Ёшлар орасида адабий тилда мулоқот қи-лиш “нуфузсизлик”, “катталарча гапириш”, деб қабул қилинмоқда. Бу эса тилимизнинг шиддат билан ғариблашиб бораётганидан далолат беради.

Бу оғриқли муаммога, албатта, ечим бор. Аммо, у биринчи навбатда оғриқни тан олишдан бошланади.

Ўзбек тили шунчаки мулоқот воситаси эмас. У — Ватан демак, миллат демак, тарих ва келажак, демак. Уни бойитиш, асраш ва софлигини сақлаш ҳар бир ва-танпарвар инсоннинг вазифаси. Биз ўз ти-лимизни ардоқласак, ўзлигимизни сақлаб қоламиз. Тил ғарблашиши маънавиятнинг гумроҳлигига олиб келади. Ғарбдан билим олиш керак, аммо, унга тақлид қилиб ўзликдан воз кечиш — миллат учун йўқотишдир.

Унутманг: тилини йўқотган миллат — ўзини йўқотади.

MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

BOSH HAMKOR:
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIIR HAY'ATI:

Shavkat Rahmonov
Baxtiyor Adilov
Mirali Hamroyev
Mirshod Ochilov
Dilshod Yo'ldoshev
Jamol Nosirov

TAHRIIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 “Agrobank”
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051



**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

Gazeta “Photo Express” XICH ofset
usulida 1407 nusxada chop etildi.

Bosmaxona manzili:
Qarshi shahri, Mustaqillik
shox ko'chasi, 22-uy

Navbatchi muharrirlar:
Zulfizar Mavlonova
Dilnavoz To'xtayeva

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3. -buyurtma.
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00
Bahosi kelishilgan narxda 23.10.2025 yil

www.buxoro-yoshlari.uz сайти орқали биз билан бирга бўлинг.